

№01-07/11  
30.08.2022 й.

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Ўзбекистон Республикаси  
“Ўзархив” агентлиги  
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов  
2022 йил 30 август

**“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши  
11-сон БАЁНИ**

2022 йил 30 август

Тошкент ш.

**Раислик қилувчи:**

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат  
раиси;

**Қатнашдилар:**

Ш.Садиков, Х.Исаев, Д.Кучарова,  
А.Маманазаров, Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари;

**Таклиф қилинганлар:**

Ж.Хушвақтов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси бош мутахассиси;

Агентлик марказий аппарати ходимлари.

**КУН ТАРТИБИ:**

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисида (Ш.Садиков).

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги “Архив иши ва иш юритиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 174-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш ҳақида (Ш.Садиков).

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисида**

---

(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Кучарова, А.Маманазаров,  
Д.Закирова, У.Юсупов)

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг 2022 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил 26 августдаги 309-сон буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори ижросини самарали амалга ошириш бўйича назорат режаси қабул қилинган.

Мазкур қарорга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 316-сонли “Мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларининг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссия (ЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги буйруғи (*рўйхат рақами 897-3, 11.09.2021 й.*);

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 317-сонли “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар бирлашмаларининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссия (МЭК)си тўғрисида намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги буйруғи (*рўйхат рақами 898-3, 11.09.2021 й.*) **қабул қилинди.**

2022 йил 8 ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси (27 та), Андижон (17 та), Бухоро (13 та), Жиззах (31 та), Қашқадарё (41 та), Навоий (7 та), Сирдарё (6 та), Сурхондарё (10 та) Фарғона (23 та), Хоразм (25 та), Тошкент (7 та) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги (39 та) идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан 246 та (2021 йил шу даврга нисбатан, **ўсиш сурати 161%**) **Марказий эксперт комиссиялари ва Эксперт комиссиялари** низомлари ишлаб чиқилиб, тегишлилиги бўйича Архив иши ҳудудий бошқармаларининг эксперт текшируви комиссиялари (ЭТК) ва Ўзбекистон миллий архивларининг эксперт текшируви услубий комиссиялари (ЭТУК) томонидан келишилган.

Бундан ташқари, вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан тақдим этилган Марказий эксперт комиссиялари ва Эксперт комиссияларининг низомларидан 75 таси Намунавий низомда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилмаганлиги сабабли ЭТУК ва ЭТК томонидан тегишли хулосалари билан **қайтарилган.**

**Шу билан бирга, қуйидаги камчиликлар мавжуд:**

2022 йилда **Наманган, Самарқанд** вилоятларидаги ташкилотлар томонидан **Эксперт комиссиялари** низомлари тегишли Архив иши ҳудудий бошқармасининг ЭТКга келишиш учун тақдим этилмаган;

Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасида давлат назорати ўтказилиши натижасида архив иши ва иш юритиш соҳасидаги **Эксперт комиссияси тўғрисидаги Низом** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори талаблари асосида **қайта ишлаб чиқилмаганлиги** шунингдек, қарорининг 2-илоvasи 15-бандида “ЭК фаолияти ва ваколатига тегишли масалалар заруратга кўра, лекин йилига камида икки мартадан кам бўлмаган ҳолда ўтказиладиган йиғилишларида

кўриб чиқилиши” белгиланган бўлсада, Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасида 2020 йилдан 2022 йил биринчи ярим йиллиги давомида ЭК ўз фаолияти йўналишида архив иши ва иш юритиш масалалари **умуман муҳокама қилинмаганлиги аниқланган** ва ушбу юзасидан “Ўзархив” агентлигининг тегишли **тақдимномаси киритилган**;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори 1 ва 2-иловалари 12-бандларида МЭК ва ЭК таркибларига тегишли давлат архивининг вакили киритилиши белгиланган бўлсада, аксарият ташкилотларнинг МЭК ва ЭК **комиссиялари таркибига “Ўзархив” агентлиги тизимидаги архивлардан аъзолар киритилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.**

Кун тартибидаги масала бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Агентлик Хайъати **қарор қилади:**

**1. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг** кун тартибидаги масала бўйича берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Наманган (Н.Аҳмадалиев), Самарқанд (А.Маманазаров)** вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарорига мувофиқ ҳудуддаги идоралар ва ташкилотларнинг **Эксперт комиссиялари** низомлари келишиш учун киритилмаганлиги, идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик суёт даражада ташкил этилганлиги юзасидан **огоҳлантирилсинлар**;

**2022 йил якунига қадар** давлат архивларининг жамлаш манбаига киритилган ташкилот ва идораларнинг **Эксперт комиссиялари** низомларини ишлаб чиқилишида услубий ёрдам кўрсатилишини таъминласинлар ва ЭТКга келишиш учун киритилишини ташкил этсинлар.

**3. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви директори (Б.Аҳмедов) бир ой муддатда** Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасида архив иши ва иш юритиш соҳасидаги **Эксперт комиссияси тўғрисидаги Низоми** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори талаблари асосида **қайта ишлаб чиқилишида** услубий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

**4. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи (Ш.Ҳожибоев), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорлари (Д.Закирова, Б.Аҳмедов):**

давлат архивларининг жамлаш манбаига киритилган вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотларининг амалдаги марказий эксперт комиссияси, эксперт комиссияси тўғрисидаги низомларини Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ қайта ишлаб чиқилиши ҳамда тегишлилиги бўйича ЭТУК, ЭТКга келишиш учун киритилиши бўйича ташкилий ишларни давом эттирсинлар;

давлат архивларнинг ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги 538-сон қарори ижроси таъминланганлигига, шу жумладан, ушбу қарордаги барча талабларга риоя этилишига алоҳида эътибор қаратсинлар;

МЭК ва ЭК комиссиялари таркибига давлат архивлари вакиллари киритилиши чораларини кўрсинлар;

ташкilot ва корхоналарга иш юритишда тугалланган ва идоравий архивда сақланаётган ҳужжатлар ва йиғмажилдларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш;

давлат архивлари сақловига топшириш учун ҳужжатлар ва йиғмажилдларни саралашни ташкил этиш ва амалга ошириш;

сақлов муддати тугаган ҳужжатлар ва йиғмажилдларни йўқ қилишга ажратишни ташкил этиш ва ўтказиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасига доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

ЭКлар ишини услубий бошқаришни ва назоратини амалга оширишга қаратилган МЭК йиғилишларини ушбу қарорда белгиланган даврийликда ўтказиб борилиши бўйича кўрсатмалар бериб борсинлар.

## **II. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ижросини мақсадли ўрганиш ҳақида**

*(У.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Ш.Хожибоев, Д.Кучарова, А.Маманазаров, Д.Закирова, У.Юсупов)*

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг 2022 йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

“Ўзархив” агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан жорий йилда **139 та** вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларида архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан **давлат назорати ўтказилган**. Ўтказилган давлат назорати текширишлари бўйича **132 та** кўриб чиқилиши мажбурий бўлган **тақдимномалар** киритилган.

Текширишларнинг **14 таси** Агентлик томонидан, **125 таси** архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан, шулардан **138 таси** режага мувофиқ, **1 таси** прокуратура органининг ташаббуси билан ўтказилган.

Тошкент Фармацевтика институтида ва Жиззах вилояти давлат архивида ўтказилган текширишлар бўйича тўпланган материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун **прокуратура органларига тақдим этилган**.

Шунингдек, текшириш натижаларига кўра “Ўзархив” агентлиги томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган **2 нафар** масъул ходимга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштириб тегишли **суд органларига юборилган**.

Вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларида ўтказилган текширишлар давомида қуйидаги **камчиликлар аниқланган**:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларини белгиланган муддатларда давлат архивларига **топширмаслик**, архив ҳужжатларининг **қимматлилигини аниқлаш** **экспертизасидан ўтказмаслик**, жумладан, архив рўйхатларини тузмаслик, ҳужжатларни тартибга келтирмасдан сақлаш ва архив хоналарига бўлган талабларга **риоя этмаслик**;

**иш юритиш қоидаларига риоя этмаслик**, жумладан, иш юритиш йўриқномалари, йиғмажилдлар номенклатуралари ишлаб чиқилмаганлиги;

Архив иши ва иш юритишга масъулларнинг билим ва малакалари етишмаслиги ҳамда тегишли малака ошириш курсларида ўз **малакаларини оширмаслик** ҳолатлари.

Шунингдек, давлат архивлари томонидан **266 та** ташкилотлар ва корхоналарга архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатилган.

**Текширишлар натижасида жорий йилда қуйидаги натижаларга эришилган:**

ташкилот ва корхоналарда сақланаётган Миллий архив фондига киритилган идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддати тугаган **100 минг сақлов бирлигидан** зиёд архив ҳужжатлари тегишли давлат архивларига топширилган;

ташкилотларнинг **99,8 минг с.б.** бошқарув, **117 с.б.** илмий-техника, **25,2 минг с.б.** шахсий таркиб, **68,9 минг с.б.** сақлаш муддати вақтинча бўлган ҳужжатлари архивлар томонидан шартнома асосида тартибга келтирилган;

тегишли ташкилотлар томонидан **290 та** соҳага оид ички ҳужжатлари, хусусан Йиғмажилдлар номенклатураси, Иш юритиш йўриқномаси, МЭК ва ЭК низомлари ва Идоравий архив низомлари ишлаб чиқилган бўлиб, 790 та ҳужжат архивларнинг эксперт-текширув комиссиялари томонидан келишиб берилган;

вазирлик ва идораларнинг **400 нафарга** яқин архив иши ва иш юритишга масъул ходимлар ўз малакаларини оширдилар.

**Бундан ташқари**, “Ўзархив” агентлигининг 2 нафар масъул ходимларига ва архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқларига “E-ma'muriy ish” тизимидан ишлаш учун Ички ишлар вазирлигидан логин ва пароллар олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарорига мувофиқ Агентликда “E-ma'muriy ish” тизимидан фойдаланадиган ходимларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш учун администратор тайинланган.

**Шу билан бирга**, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомида белгиланган ваколатлардан Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан **тўлиқ фойдаланилмаётганлиги учрамоқда.**

**Хусусан**, архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг, шунингдек, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари аниқланганлиги ҳолатлари юзасидан барча Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан бирорта ҳам **маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузилмаган**

ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда суд органларига **юбориш чоралари кўрилмаган**.

Кун тартибидаги масала бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Агентлик Ҳайъати **қарор қилади**:

1. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг кун тартибидаги масала бўйича берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари томонидан архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан ташкилотларда давлат назорати тадбирларини ўтказишда **сусткашликка йўл қўйилганлиги камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин**.

3. Ташкилот ва корхоналарда ўтказиладиган архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати тадбирларини ўрнатилган тартибда, шаффоф ва адолатли ўтказилиши, натижадорлиги учун Архив иши худудий бошқармалар бошлиқлари шахсан жавобгар эканликлари бўйича **огоҳлантирилсинлар**.

4. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи (Ш.Хожибоев), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари:

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг худудий бўлимларида ўтказилган текширишлар давомида аниқланган **камчиликлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларини белгиланган муддатларда давлат архивларига топширмаслик, архив ҳужжатларининг қимматлилигини аниқлаш экспертизасидан ўтказмаслик, жумладан, архив рўйхатларини тузмаслик, ҳужжатларни тартибга келтирмасдан сақлаш ва архив хоналарига бўлган талабларга риоя этмаслик, иш юритиш қоидаларига риоя этмаслик, жумладан, иш юритиш йўриқномалари, йиғмажилдлар номенклатуралари ишлаб чиқилмаганлиги ҳолатлари келгусида ташкилотларда аниқланишини олдини олиш мақсадида давлат архивлари томонидан **услубий ёрдам кўрсатилишини ташкил этсинлар**;**

ташкилот ва корхоналарда давлат назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги **низом талабларига қатъий риоя этсинлар**;

5. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи (Ш.Хожибоев) **бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида ташкил этилган “Архивларда давлат назорати ва ҳужжатлар ҳисобини юритиш” мавзуси бўйича биринчи навбатда бошқарма бош мутахассислар малакасини ошириш юзасидан таклиф киритсин**.

6. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари (Ш.Садиков) зиммасига юклатилсин.

Баённома тузувчи:  
Ш.Хожибоев